

МУҲИМ ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ

 $\angle [1]$ $\angle$ [1] $\angle$ [1]

> [1]

Раҳматулла РАЖАБОВ
«Маҳалла» жамғармасининг
Тошкент вилояти
Ўрта Чирчиқ тумани
бўлинмаси раиси

Фармон берган имкон

ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА

ислохотларнинг муҳим тамойилларидан бири

Яқинда бир таниш отахонни учратиб қолдим. Унинг кўришиб сўрашаётгандаги ҳолати диққатимни тортди. Отахон ҳам жилмаяр, ҳам кўзларидagi ёшни артишга уринарди. Мен ундан такрор ҳол-аҳолини сўрадим.

— Хурсандлигимдан кўзимга ёш келди, болам, — деди отахон. — Хабаринг бор, ўғлим вафот этгач, унинг икки фарзанди менинг қарамомимда қолган. Улар катта бўлиб қолишди, яқинда мактабга ҳам боришди. Лекин қўл калталиқ қилиб, суннат тўғи қилиб беролмадим. Шу боис, бугун оқсоқол билан маслаҳатлашгани маҳалла фуқаролар йиғинига келгандим. Барака топсин, у аҳолининг бундан кўнглини қўйиб беришига ҳаётдаги ўрни ва мавқеи кундан кунга ортиб бормоқда.

Айниқса, 1994 йили Президентимизнинг «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳмасининг «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни оқсоқолнинг ўзи уйимизни тўйга тайёрлаш учун ёшлар билан ҳашарга келаркан. Кўнглим тоғдек кўтарилди.

Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда фуқаролар йиғинининг кам таъминланган оилалар, ёлғиз қарияларга кўрсатётган

органининг аҳолини ижтимоий ҳимоялашда фаол иштирокини таъминлашга ҳизмат қилди. Мазкур меъриё ҳужжатларда муайян оилани кам таъминланган деб топиш масаласи маҳалла, қишлоқ, овул ва шаҳарча фуқаролар йиғинлари зиммасига юклатилди. Оқсоқолнинг маҳалла ҳудудда истиқомат қилаётган оилаларни аҳолини яхши билишнинг инноватта олсак, ушбу ўзгариш моддий ёрдам, ҳақиқатан ҳам, аҳолининг кам таъминланган қисмига тўғри йўналтирилишини тушуниш мумкин.

Таъкидлаш керакки, «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви ва унинг ҳудудий тузилмалари аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида аниқ режа асосида ишларни амалга ошириб келмоқда. Хусусан, жорий «Қишлоқ таракқиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш юзасидан кам таъминланган оилалар ва моддий ёрдамга муҳтож фуқароларга 2229,7 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Ўзбекистонда, ушбу маблағнинг 339,6 миллион сўми жамғарма, қолгани ҳомиёлар ҳисобига тўғри келади.

Бундан ташқари, Президентимиз томонидан 2008 йил 21 апрелда қабул қилинган «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарор мамлакатимизда кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашда дастуриламал бўлиб хизмат қилди. Қарор ижроси юзасидан «Маҳалла» жамғармаси ҳам 2008 йилда кам таъминланган оилаларни 1 миллион 104 миллион сўмлик, яъни салкам 1000 бош қорамол, 74 бош қўй, 45 мингта парранда билан таъминлади. Шунингдек, жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида 500 бошдан зиёд қорамол аҳолининг кам таъминланган қатламларида ҳаля этилди.

Бугунги кунда маҳалла-ларда амалга оширилаётган ишларнинг аксарияти аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, турмуш даражасини кўтариш ва шу орқали жамият фаровонлигини таъминлашга қаратилмоқда. Қувонарлиси, ижтимоий ҳимоя борасида жонбозлик кўрсатётган фуқаролар йиғини ва маҳалла тadbirkorлари сони йилдан йилга кўпаймоқда. Уларнинг

республика маҳаллалари ўртасида ўтказиб келинаётган «Ёш оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлайдиган энг намунали маҳалла», «Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазибаларини ҳал этишда энг намунали маҳалла» мавзуйдаги кўрик-танловларда фаол иштирок этаётган фикримиз далилидир.

Этироф этиш керакки, Ўзбекистонимиз «Ислохотларимизнинг муҳим тамойилларидан бири — аҳолининг кам таъминланган табақаси, яъни қариялар, ногиронлар, болаларни муҳофаза остига олиш, уларни пухта қийолаштириш. Ёшларнинг билим олиши, касб-хунар эгаллаши, иш билан таъминланишига ҳар томонлама ёрдам бериш давлатимизнинг муқаддас бурчидир. Бундай керакли ва савобли мақсадларни амалга оширишда биз аҳолининг ўзини бошқариш тизимига, бугунги ҳаётимизда катта аҳамиятга эга бўлган маҳаллаларга суяниб иш қилишга қарор қилдик», дея фуқаролар йиғинлари катта ишонч билдирган. Бу ишонч айти қуларда маҳаллаларнинг кундан кунга қиёрой очиб, бу ерда истиқомат қилаётган аҳолининг турмуши фаровонлашиб бораётганида аққол намоён бўлаётган.

Ўқтам ХУДОЙҚУЛОВ, «Mahalla» мухбири.

Эй, сиз одамлар, эсиз одамлар...

НОВВОТ ЧОЙНИНГ «МАЗАСИ»

...Саъдулла аканинг кундуз кунни бироз мизғиб оладиган одати бор. Айниқса, нафақага чиққандан бери бу одатини қанда қилмайди. Қулардан бир кунни тушлиқ қилиб, ҳовлиси олдидаги ёғоч сўрига ёнбошлаганича доғ қотди. Бир маҳал пешонасини кимдир майин-майин силаётгандай бўлди. У парво қилмади. Ёнбошга ағдарилиб, уйқуни давом эттирди. Бўлмади. Энди кимдир белини гўё массажа қилаётгандай бўлди. Бирдан ўтирилиб қарали. Ёйрай! Кўз олдида шундай бир сарин санам туридики, худди қўлдан тупшан фаршнинг ўзгаси. Парипайкар. Моҳи тобон, чехраси гўллай... лекин сўлиб қолган гўллай...

— Кимсан, — деди уйқуга тўймаган кўзларини уқалаб Саъдулла ака. — Қасрдан келинг? Сени ким юборди? Нима қилиб юрибсан менинг уйимда?

— Тўхтанг, тўхтанг! Бунча саволга кўмиб ташладингиз? Бир чекдан ҳамма саволларингизга жавоб бераман. Мен ҳам сиздай Худонинг бир бандасиман. Бошимга ташвиш тушиб сизнинг олдингизга келдим. Сиз ҳам ёлғиз экансиз, мен ҳам ёлғизман, дардимни ҳаммага дoston қилмай, фақат сизга айтмай деб...

«Ие, чиндан ҳам бунни Яратганининг ўзи етказганга ўхшайди. Шундай хушбичим, чиройли қизнинг нима дари бор экан? Тагин мендай ёши катта одам билан дарлашаман, деб келибди. Дунёда дардам одамга дармон бағишлашдан кўра савоб иш йўқ-ку, ахир? Қувиб солсам инсофдан бўлмас!» Саъдулла ака шундай хаёлларга бориб, рўпарасида турган қизга ишора қилди:

— Қани ичкарига қирайлик. Қўни-қўшни, ўтган-кетганининг олдига ўтирмайлик, юр! Иккаласи изма-из ичкарига қиришди, Саъдулла ака нотаниш қизга боғнинг бошидаги сўрига ўтиришни таклиф қилди.

— Исим Лайло, — деди қутилмаган меҳмон ўзини таништириб, — фамилиям Саъдуллаева (исм-шарифлар ўзгартрилган). Ёшим 38 да. Хива шаҳрида туғилганман, оилам билан ажрашганман. Бир болам бор. Уйдан чиқариб юборишди. Тўғри келган жойларда яшаб юрибман. Агар раҳмингиз қилиб, бошпана берсангиз, шу ерда жой топгунча яшаб турсам, дегандим. Саъдулла ака бир ўзи зерикиб юрганди, Лайлодек қиз

билан яшашни ўйлаб, ҳузур қилди. Қизнинг ўтмиши, қисмати сўраб ўтирмади. Рози бўлди. Шу-шу Лайло бу даргоҳдан кўним топди. Боласини ҳам олиб келди. Саъдулла ака Лайло билан опоқ-чапоқ бўлди кетди. Ҳатто ёши бир жойга бориб қолганлигини ҳам унутиб, қариб қуёлмаган чолга айланди. Ҳамма ҳайрон. Қўни-қўшни, қариндошлар дашном беришди: «Нима қиласан, фарзандинг тенги ёш қиз билан бунақа муомала қилиб? Қараб тур, сени ҳали бир балоларга дучор қилади бу қиз!», Саъдулла ака парво қилмади. «Буни менга Худонинг ўзи етказди, — деди танбех берганларга. — Бошимга кўнган бахт қушини учуриб юбормайман. Сизларнинг ишингиз бўлмасин!»

Саъдулла ака маҳалла оқсоқолининг гапига ҳам қулоқ солмади. Ўзича давру даврон суриб яшайверди...

Бир кунни уйига келса дастурхон тўла ноз-неъмат. Билурдай товланиб турган новвот диққатини тортди. Бунинг сезган Лайло дарров шохли новвотдан бир парчасини олиб, катта пиёлага солди-да, устидан чой қўйди.

— Келинг, ўтиринг, — деди. — Новвотда хосият кўп. Ёш келин-куёвлар ҳам, кексалар ҳам бежиз новвот чой ичишмайди, бунинг турган-битгани қувват. Олинг, ичинг тўрам!

Лайло ўрнидан туриб, хиргойи қилганича рақс туша бошлади:

Новвот қўшиб чой берман, ичсангиз,

Оқ сийнадан жой берман, тасангиз...

— Хай-хай, секинроқ айт, қулоғим яхши эшитилди.

Қараб турса Лайлонинг ажойиб, овози ҳам бор экан.

«Зўр қўшиқ топибди ўзим. Бунинг овози ҳам ёмон эмас экан», дея ўйлади.

Саъдулла ака новвот чойнинг ҳақиқий «мазасини» кейинроқ билди...

Олти ой ўтгач, қулардан бир кунни Лайло Саъдулла Ҳикматуллаев яшайдиган Хива шаҳридаги Ота Полвоннон кўчасидаги 20-уйини шип-шийдон қилиб кетди. Гиламлар, DVD плее, яшириб қўйган пуллари... Саъдулла ака чапак қилиб қолаверди. Лайло бўлса новвот чойнинг (ва ўша машҳур қўшиқнинг ҳам) «мазасидан» бошқаларни ҳам баҳраманд қила бошлади. Жумладан, Лайлонинг новвот чойига учиб, Хива шаҳар Р.Машарипов кўчаси 5-уйда яшовчи С.И. уйдига баклажаларга солинган 20 литр пахта ёғи, бир халта ун, 2070 сўм пулидан, Хива туман П.Маҳмуд фермерлар уюшмасининг 2-бўлимида яшовчи Ж.Ш. бир донча чарм курткаси, яп-янги костюм-шимми, хорижда ишлаб чиқарилган бир донча одяли, сув насоси ва 140000 сўм пулидан, яна шу ҳудудда яшовчи М.Ш. уйдига турли уй-рўзгор буюмлари, кийимлари, матолари ва 30000 сўм пулидан айрилиб, ҳузур ўрнига ранж-алам гирдобиди қолдилар. «Новвот чой» спектаклининг баъзи сахналаридаги ролларни ўйнашда Лайлога дугонаси Гулсанам ҳам елкадош, тўғрироғи, шерик бўлди.

Холис одамлар ва ҳушёр ички ишлар бўлими ходимлари «новвот чой» операциясига нуқта қўйишди. Уларнинг сай-ҳаракатлари билан бу чойни «дамлаган» Лайло Саъдуллаева ва унга чойкашлик қилган дугонаси Гулсанам Ибодуллаеванинг ўзига хос «пазандалиги»дан орномусли, ҳаёли инсонлар бебаҳра қолдилар.

Огоҳ бўлинг, азизлар, новвот чойга алданманг!

Эрназар РАҲАБОВ,
Жиноят ишлари бўйича Хива туман судининг судьяси.

Абдулла САФОВЕВ,
«Mahalla» мухбири.

«Mahalla» жавоб беради

ТАЪЛИМ ОЛАЁТГАН ФАРЗАНД УЧУН НАФАҚА БЕРИЛАДИ(МИ?)

Савол: — Уч нафар фарзандим бор. Мактабда ўқитувчи бўлиб ишламан. Турмуш ўртоғим бевақт оламдан кўз юган. Ўғлим 9-синфни битириб, касб-хунар коллежиди ўқийгани давом эттириш ниятида. Лекин уни ўқитсам, оилам моддий жиҳатдан қийналиши мумкин. Айтинг-чи, бу борада кам таъминланган оилаларга имтиёзлар белгиланганми?

Т.ХОЛМЕТОВА,
Хива тумани.

Жавоб: — «Воёга етмаган болалар бўлган оилаларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тўғрисида»ги Низомда сизнинг ҳуқуқларингиз ҳимоя қилинган. Унга кўра, умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежларида билим олаётган 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар бор кам таъминланган оилаларга нафақа тўланади. Бундай нафақа фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ёзма ариза билан мурожаат қилган оилаларга, баъзан эса оқсоқол тақдирномасига асосан тайинланади.

Ариза билан бирга оила аъзоларининг таркиби ва даромадлари тўғрисида маълумотнома, болаларнинг туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномасидан нусха, вассийликда бўлган болалар учун вассийлик ҳуқуқини белгилувчи органнинг қароридан кўчирма, 16-18 ёшгача бўлган болалар учун эса, ҳақиқатан ҳам ўқув юртида ўқиётгани ва стипендия олмаслиги тўғрисида маълумотнома топширилади. Махсус комиссия нафақа

олиш учун мурожаат қилган оиланинг моддий ва мулкӣ аҳолини ариза берилган кундан бошлаб икки ҳафта мобайнида текширади ва тегишли қарор қабул қилади.

Низомда нафақа миқдори қўйиладиган белгиланган:

— бир нафар фарзанди бор оилалар учун энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдориди;

— икки нафар фарзанди бор оилалар учун энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизи миқдориди;

— уч нафар болали оилалар учун 140 фоиз миқдориди;

— тўрт нафар ва ундан кўп болали оилалар учун эса, 175 фоиз миқдориди нафақа берилади.

Агар нафақа белгиланган давр мобайнида энг кам ойлик иш ҳақи миқдори ўзгарса, нафақа миқдори ҳам тегишли тарзда қўйлади.

Абдумурод ХУДОЙҚУЛОВ,
Тошкент вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи муовини.

Дунёдан дараклар

НАТОнинг режалари

НАТОнинг янги бош котиби Андерс Фог Расмуссен кеча Брюсселдаги қароргоҳда матбуот анжумани ўтказди.

У журналистларнинг саволларига жавоб берар экан, келажакда НАТО кенгайиши мумкинлигини таъкидлади. Унинг қайд этишича, Украина ва Грузия маълум шартларни бажаришдан бўлса-да, ҳали блокка аъзо бўлишга тайёр эмас.

Расмуссеннинг таъкидлашича, коалицион кучлар яқин ўртада Афғонистонни тарк этмайди. У ўз сўзида Афғонистонда тартиб ўрнатиш учун қанча вақт керак бўлса, НАТО кучлари шунча пайт бу юртда қолишини билдириди.

Электр токи узиб қўйилди

Украинанинг 48 та ҳарбий қисмида бирин-кетин электр токи ўчирилди. Бунга сабаб, ҳарбийлар электр энергиясидан қарзини уза олмагани.

Мамлакат мудофиа вазирлиги вазифасини бажарувчи Валерий Івахненконинг таъкидлашича, ҳарбий қисмларнинг қарзи унчалик кўп эмас, лекин шундай бўлса-да, электр токи узиб қўйилди.

Таъкидлаш жоизки, ҳарбий қисмларни электр энергиясиз қолдириш Украина учун янгилик эмас. Жорий йил бошида ҳам бир неча ҳарбий қисмда электр токи узиб қўйилганди.

Мажбурий кўниш

Кеча Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида АҚШнинг Ҳьюстон шаҳрига учиб келаятган самолёт ҳавонинг кучли гирдобли оқимига учраб, Майами аэропортига қўнишга мажбур бўлди.

Дастлабки маълумотларга қараганда, 26 нафар йўловчи турли даражада тан жароҳати олган. Врачлар тўрт нафар йўловчининг жароҳати оғир эканлигини айтмоқда.

Associated Press хабарига қараганда, «Боинг-767» ҳаво кемасида 168 нафар йўловчи ва экипаж аъзолари бўлган. Самолёт Майами аэропортига қўнгандан сўнг 13 йўловчи касалхонага ётқизилди. Қолганлари тезда Ҳьюстонга жўнатилди.

Тинч аҳоли жабр кўрмоқда

БМТ экспертларининг ҳулосасига кўра, жорий йилнинг олти ойида Афғонистондаги тўқнашуларда 1095 нафар тинч аҳоли ҳалок бўлган.

Associated Press ушбу хабарни тарқатар экан, тинч аҳоли, асосан, коалицион кучларнинг ҳаво ҳужумлари ва жангариларнинг ўзини портлатиб юборишлари оқибатида ҳаётдан кўз юмаетганини таъкидлайди.

Аниқ рақамларга эътибор берадиган бўлсак, олти ой мобайнида жангарилар ҳужуми туфайли 595 нафар, коалицион кучлар билан тўқнашуларда 310 киши, авиацияларда эса 200 нафар тинч аҳоли ҳалок бўлган. Экспертлар август ойида аҳоли ўртасида қурбонлар яна ҳам кўпайиши мумкинлигини таъкидлашмоқда. Чунки 20 август кунги мамлакатда президент сайлови бўлиб ўтди. Жангарилар сайлов арафасида мамлакатда вазиятни издан чиқаришга уринишди.

Майоркада портлаш

Испаниянинг Майорка оролидаги Палманов шаҳарчасида жойлашган ҳарбийлашган полиция казармасида рўй берган кучли портлаш натижасида икки аскар ҳаётдан кўз юмди, бир неча киши тан жароҳати олди.

Жиноятчилар қочиб кетишининг олдини олиш мақсадида кеча оролдан чиқувчи барча ҳаво ва сув йўллари назорат остига олинди. Полиция вакиллари дастлабки текширувлардан сўнг бу кўпуровчиликни ЭТА ташкилоти амалга оширган, деган тахминни билдириди.

Эсплатиб ўтамиз, ЭТАчилар 1968 йилдан буён баск давлатини тузиш учун кураш олиб бормоқда. Шу давр ичида улар томонидан амалга оширилган террорчиликлар оқибатида 800 нафардан кўпроқ тинч аҳоли ҳалок бўлди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.



Якка тартибдаги тadbirkor Абдулҳамид Абуқодиров Бахт шаҳрида қарий 10 йилдан буён тadbirkorлик фаолияти билан шуғулланиб келади. У касаначилик ривожига ўз ҳиссасини қўшиб мақсадида миллий ва замонавий услубда бежирим либослар тикшиш цехини очди. Бу ерда тикилаётган турли кийим кечаклар маҳаллий бозорларда ўз харидорларини топмоқда.

Энг муҳими, бугун цехда шаҳарда истиқомат қиладиган хотин-қизлардан ўн нафар доимий иш ўрнига эга бўлди.

... ҚИЙНАГАНИ БОЛА ЯХШИМИ?

Жаҳон ОАВ хабарларига қараганда, кейинги йилларда дунёда болалар ва ўсмирларга нисбатан содир этилаётган жиноятлар кўпайиб бормоқда.

Масалан, 2008 йилда Россияда болалар ва ўсмирларга нисбатан 62 мингта жиноят содир этилган. Уларнинг 9 мингтасида зўрлаш ҳолати қайд қилинган. Мамлакат прокуратураси тергов бошқармаси бошлиғи А.Бас-трикиннинг айтишича, бу жиноятлар оқибатида 2 минг нафар воёга етмаган бола ҳаётдан кўз юмган. 388 ҳолатда эса, болалар атайин ўлдирилган. Бошқарма бошлиғининг қайд этишича, яқинда Москва вилояти Люберецк тумани ҳудудидан ўтувчи Перохка дарёсидан уч ёшли қизалоқнинг мурдаси топилган. Текшириб кўрилганда, унинг баланида кўплаб жароҳатлар борлиги аниқланган. Энг даҳшатлиси, болақанин ота-онаси қийнаб ўлдириб, дарёга ташлаб юборган экан.

Россиянинг биргина Воронеж вилоятида жорий йилнинг июль ойида воёга етмаганларга нисбатан 18 марта жиноят содир этилган. РИА «Новости» хабарига айтилишича, бу жиноятларнинг саккизтаси болалар ўлими билан тугаган. Икки ҳолатда ота ёки она ўз фарзандининг қотилига айланган. Шунинг афсус билан қайд этиш лозимки, бу жиноятларнинг ярмида ўсмирлар зўрланган.

Яқинда АҚШ конгресси педофилияга, яъни болаларни жинсий зўрлашга қарши қонун қабул қилди. Бунга

мамлакатларида, жумладан, Жазири, Венесуэла, Испания, Германия, АҚШда 2,3 минг нафар киши хизмат қилар экан. Полициячилар текширув пайтида болаларни зўрлашнинг реклама қилувчи 250 кун тўғрисидадан кўра бўладиган видеома-териал ва 4 миллион варақдан иборат ёзма материални қўлга киритишга муваффақ бўлишди. Ушбу текширув юзасидан ҳозирда дунёнинг 77 мамлакатда тергов ҳаракатлари олиб борилапти.

Reuters мухбири яқинда француз полициячиларининг бу борада олиб бораётган ишларига доир ҳисоботни тарқатди. Хабарда айтилишича, мамлакатда болалар порнографияси бўйича «Камалак», деб номланган амалиёт ўтказилган. Тўрт кун давом этган ушбу тadbirkor давомида болаларни зўрлашнинг тарғиб қиладиган 1,4 миллионга сурат ва 27 мингта видеолавҳалар мусодара қилинган. Ўтган йилдан бунга қўшимча тadbirkor Португалияда ҳам ўтказилди. Тadbirkor давомида 80 нафар қишдан 150 та компьютер тортиб олинди.

Дунёдаги бой одамлардан бири, АҚШ фуқароси Андрей Моголянскийнинг кўпчилик нафақа қўли очиб биз-несмен, балки террор қурбонлари фондининг ташкилотчиларидан бири сифатида ҳам хурмат қилинар эди. Лекин яқинда унинг бошқа яна бир «хунари» борлиги фoш бўлди. АҚШ Федерал разведка бюроси ходимлари томонидан олиб борилган текширувлар чоғида у Москвада сайёҳлар учун «дам

олиш уйлари» ташкил қилишда ҳам фаол иштирок этгани аниқланди. Бу «уй»ларга, асосан, ёш қизлар жалб этилган экан.

Албатта, бундай даҳшатли хабарларни ўқигандан сўнг ўз-ўзидан савол туғилди: ҳўш, нима учун бундай ҳол юз бермоқда? Бу саволга турлича жавоб бериш мумкин. Бизнингча эса, глобализация туфайли инсоният томонидан минглаб йиллар давомида шаклланган инсоний фазилатлар та-назулга учрамоқда. Қўп-лаб халқлар турли ёт гоғлар таъсирига тушиб, ўзига хос урф-одатлари, турмуш тарзларини йўқотиб бўлишди. Айрим-айрим мамлакатларида ахлоқсизлик, аёлларни, болаларни зўрлаш, бир жинслилар ўртасида никоҳ баъзи одамларнинг ҳаёт тарзи-га айланди. Энг ачинарлиси, бу каби жижанч иллатлар интернет сайтларда, теле-визорларда тарғиб қилин-моқда. Уларни таққиллашга уриниш эса демократияни бугунги, деб баҳоланмоқда. Аслида эса, бундай демократия ҳеч кимга керак эмас.

У инсониятни бундан ҳам жижанч фожияларга етак-лайди холос. Шу боис, ду-нённинг маърифатпарвар куч-лари томонидан бу иллатга қарши оммавий кураш олиб боришмоқда. Аммо бир ҳақиқат аёнки, қаерда ин-сонга хос тўғйи, одоб ва ахлоқ мезонлари устувор бўлса, ўша ерда эзу қадри-ятлар қамол топади, жамият тараққий этиб, келажак авлод бардавомлиги таъминланади.

Б.БОБОЕВ

